

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ПАРОНИМИК ЛЕКСИКАСИ

Юсунова Соҳиба - УрДУ магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада пароним атамаси ва ўзбек тили паронимларининг тил лексик бирликларидаги ўрни ҳақида фикр билдирилган, унинг мавқеи аниқланган. Паронимик лексик бирликларга хос бўлган кўп маънолилик мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Пароним, лексик birlik, кўп маънолилик, бир маънолилик, этимология, лексема.

Пароним атамаси манбалардаги таъкидларга кўра Аристотель томонидан тавсия қилинган: *para* – ёнида, ёнидаги, яқинида, яқинидаги, *опота* – ном, от, исм. Фикримизча, пароним атамаси қадим замонларда дастлаб ясама сўзларга нисбатан қўлланган. Бир асосга фонологик структураси яқин бўлган икки ясовчи қўшилишидан ҳосил бўлган лексемалар паронимия деб аталган. Атаманинг милoddан аввалги маъносини унинг этимологик талқини деб қарашга тўғри келади. Пароним атамасини бир асосдан ясалган икки лексема, ясаиш асоси икки лексема учун умумий бўлгани сабабли ўхшаш бўлиб қолган лексемалар қатори деб тушуниш лозим. Ясовчиси бошқа-бошқа ёки фонологик тузилиши ўхшаш бўлганлиги сабабли бу икки лексема фарқли бўлади, талаффузида ўхшаш ҳолат юзага келади, аммо маъноси эса фарқли, ҳар хил, асоси бир хил тил бирлиги бўлгани учун маъновий умумийлик юзага келади. Шу тариқа пароним терминидаги *para* элементини ўхшаш деб ўтириш маъқул, шу тарздаги ўгирма масаланинг моҳиятини тўғри англатади.

Паронимияга яқин, ёндош тил ҳодисаларидан бири вариация, яъни вариантликдир. Вариантлик, вариантдошлик дейилганда тил birlikлари мажмуидаги маълум бир birlikнинг турли хил фонетик ва морфемик, лексик ўзгариши ва ўзгариш натижасида юзага келган шакллар тушунилади.

Мартаба – *маротаба* лексемалари вариантдош. *Мартаба* I ва *мартаба* II омонимик муносабатдаги лексик birlikлар ҳисобланади. *Мартаба* I айн. марта. *Мартаба* II- 1. Жамият ўртасида эришилган обрў, эътибор, нуфуз. 2. Мансаб, лавозим, амал. Маъно жиҳати бир хил эмас, тубдан фарқли, лекин ифода жиҳати – бир хил. *Маротаба* лексемаси *мартаба* I фонетик варианты, булар ўртасида вариантдошлик, маъновий бир хиллик, услубий ҳар хиллик муносабати бор. *Мартаба* II ва *маротаба* лексемалари ўртасида паронимик муносабат бўлиши мумкин.

Ўзбек тилидаги лексик birlikларнинг катта қисми кўп маъноли. Кўп маънолилик кўп қиррали, мураккаб ҳодиса. Ўзбек тилшунослигида полисемия

билан паронимия муносабати тадқиқ қилинмаган. Паронимия микротизимининг ўзбек тилининг кўп маъноли лексик бирликлар тизимидаги ўрни, мавқеи аниқланмаган. Маълумки, паронимик лексик бирликлар микротизимига ҳам кўп маънолилик ва бир маънолилик хос.

I. Кўп маъноли лексемаларнинг паронимик муносабатга киришуvidан юзага келган паронимик жуфтликлар:

1. От паронимлар: *тахлит* (1 Кўриниш, шакл, қиёфа. 2 Усул, йўсин, тарз. 3 кўм.ваз. Ўхшатиш, қиёслаш; каби, сингари. – *тақлид* (1 Шахс ёки нарсанинг овози, хатти-ҳаракати ва ш.к.ни иложи борича аниқлик билан, ўзидай қилиб айтиш, бажариш; ўхшатма овоз, ҳаракат қилиш. 2 Ижод, фаолиятда ўзгаларга эргашиш, ўзгалар намунаси асосида иш олиб бориш. Энди кўп маъноли ва бир маъноли лексемалар паронимияси. 1. Феъл туркуми доирасида: *эгалламоқ* (1 Эга бўлмоқ, ўзиники қилиб олмоқ. 2. Бирор жой, сатҳни банд этмоқ, унда жойлашмоқ. 3. Бирор сатҳ, юзани қопламоқ. 4. Қамрамоқ, қамраб олмоқ. 5. Забт этмоқ, ишғол қилмоқ. 6. кўчма Билиб, ўрганиб олмоқ, ўзлаштирмоқ. 7. Бирон ўрин, даражани қўлга киритмоқ. 8. Бирон даража, мавқе, ўринда бўлмоқ. – *эгарламоқ* (эгар урмоқ).

Паронимлар билан омонимлар ўртасидаги муносабатдошлик, умумийлик ва хусусийликлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбек тили омонимларига хос лисоний хусусиятлардан бири айрим омонимларнинг ўзаро паронимик муносабатга киришидир. Бу ҳолат маълум бир омонимик қаторларга хосдир. Омонимлар ўртасида бир-бирига нисбатланиб паронимик жуфтлик ҳосил бўлишида омонимларнинг ўртасидаги фонологик-фонетик хусусиятлар бошқарувчилик мақомига эга бўлади. Омонимларнинг асос қисми бир туркум доирасида бўлади. Буларнинг туркумлараро амалиёт доираси қуйидагича:

1) Феъл туркуми доирасида: *товламоқ I/товламоқ II – товламоқ I/товламоқ II/товламоқ*. 2) Сифат+от туркуми доирасида: *сочиқ – чочиқ, боғли – боғлиқ. Сочиқ I* (1 Сочиб ташланган. 2 Айнан чочиқ II.2)/*сочиқ II* (Юз-қўл ва идиш-товоқ артиладиган буюм) – *сочоқ I* (1 айн. сачоқ. 2 Сигир, от, эшак думининг учидаги попуги)/*сочоқ II* (шв. айн. Сочиқ II) – *чочиқ I* (с.т. Сочиқ, лунги)/*чочиқ II* (Сочилган; паришон; 2 этн. Сочқи, майда пул, ширинлик). 3) Сифат туркуми доирасида: *шўрли I* (таркибида тузи бор)/*шўрли II* (айнан шўрлик 2) – *шўрлик I* (шўр ҳолат)/*шўрлик II* (толеи паст; 2 Ачиниш билдиради, бечора) 4) От туркуми доирасида: *қовоқ I* (полиз ўсимлиги ва ҳосили)/*қовоқ II* (кўз косаси териси)/*қовоқ III* (қовоқхона) – *қовуқ I* (сийдик халтаси)/*қовуқ II* (ўт ёқиш учун қилинадиган пилик).

Шуни айтиш керакки, тилда мавжуд бўлган барча лексик бирликлар ўзаро синонимик ва паронимик муносабатга кириша олмайди. Тил бирликларининг

Ўзаро синонимик ва паронимик муносабатлари чегараланган ва чекланган. Синонимлар ва паронимлар, гарчи тилда универсал ҳодисалар ҳисобланса ҳам, уларнинг муносабатга киришуви учун лексик бирликлар мазмун ва ифода жиҳатларининг маълум бир меъёр, принцип ва талаблари мавжуд. Паронимлар тилда шаклий ва маъновий категориялардан бири бўлганлиги сабабли паронимлар ва синонимларнинг ўзаро лисоний, нутқий, экстралингвистик (маърифий-маънавий, этнологик, психологик ижтимоий-сиёсий, ҳудудий-шевавий, профессионал-касбий) хусусиятлари, муносабати, ўхшаш ва фарқли белгилари назарий ва амалий жиҳатдан қиёсий усулда ўрганиб чиқилмаган. Ўзбек тили паронимиясига хос хусусиятлардан бири маъно ва услубий жиҳатдан қаршилангириш, зидлаш, бир-бирига антитеза қилиш мақомида паронимик муносабатга киришадиган лексемаларнинг мавжудлигидир. *Қирол* (қироллик бошлиғи) – *қарол* (қул, хизматкор, батрак), *барча* (ҳамма) – *борича* (борига қараб, имконият доирасида, қисман), *банда* (Аллоҳ яратган одам) – *банди* (асир тушган, асир қилиб олинган одам), *бари* (ҳаммаси, барчаси) – *бори* (ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи, атиги, бўлгани). *Қирол* – *қарол* паронимида тобелик-ҳукмронлик антитезаси, *барча* – *борича* паронимида миқдор жиҳатидан кўплик-озлик зидланиши, *банда* – *банди* паронимида эркинлик-тутқунлик қаршилангириши, *бари* – *бори* паронимида жамлик ва қисм антиномияси мавжуд. Бу тур паронимларни антонимик паронимлар деб гуруҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент. 2006. 3 том.
2. Э.Бегматов. Мустақиллик даври атамалари. 2002. Тошкент.
3. О.Жуманиезов. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. Т.1987.
4. Э.Бегматов. Ўзбек тили тарихий лексикологияси. Т. Фан.1981.